

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАКИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Турдиев Сарвар Пардавой ўғли

ГулДУ, ТАТ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276657>

**Аннотация.** Ахборотлашган таълим муҳотида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Калит сўзлар:** Ташқилий жихат, услубий жихат, SMART- таълим, электрон таълим ресурси.

## МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ УЧЕБНЫХ РЕСУРСОВ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ

**Аннотация.** Он заключается в разработке рекомендаций по совершенствованию методики организации самостоятельной работы студентов в информированной образовательной среде.

**Ключевые слова:** внешний аспект, методологический аспект, SMART-образование, электронный образовательный ресурс.

## METHODS OF USING INFORMATION EDUCATIONAL RESOURCES IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF STUDENTS

**Abstract.** It consists in developing recommendations for improving the methodology for organizing students' independent work in an informed educational environment.

**Keywords:** external aspect, methodological aspect, SMART education, electronic educational resource.

### КИРИШ

Талабалар амалий машғулотлардан бошлашни афзал кўрадилар, ўқитувчи талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беришлари керак, бу унинг амалий ютуғига ёрдам беради. Талабаларнинг мустақил ишининг илмий ташқилоти олий таълимдаги ўқув жараёнининг самарадорлигини ва келажак мутахассислари - ўқитувчилар сифатини янада яхшилашга боғлиқ. Талабаларнинг мустақил ишини ташқил қилиш - бу икки томонлама жараён бўлиб, уларда ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алоқа ўрнатадилар. Педагогик муаммо сифатида талабаларнинг мустақил иши турли жихатларга эга: ташқилий, услубий ва маърифий.

Ташқилий жихат шундаки, унинг ташқилоти ўқитувчи ва талаба томонидан талаб этилади (ўқитувчиларнинг принципап позицияларининг розилигини талаб қиладиган бир нечта ўқитувчи ва талабанинг иштироки).

Услубий жихат шундаки, мустақил ишини самарали ташқил этиш усулларини ўзлаштиришда мавзунинг хусусиятларини ва ўзгачалигини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи - мустақил ишини ташқил этишни ўргатишда, талабанинг хис-туйғуси эътиборга олинади [4].

Рақамли таълим муҳотида ўқитувчи талабаларга берадиган мустақил ишини ташқил қилишда мисолнинг жуда катта аҳамиятига асосланади. Келажак мутахассиснинг ўзига хос рухий фазилатларини ривожлантиришга унинг таъсирини инобатга олиш керак. Мустақил ишини илмий ташқил қилиш жараёнида икки бир-бирига боғлиқ масалалар -

ўқитувчиларнинг ташкилий ўрни ва талабаларнинг ўз-ўзини ташкил қилишлари мавжуд. ўқитувчиларнинг ташкилий ўрни таъсири остида талаба ишининг ўзини ўзи ташкил қилиш одатда самаралироқ бўлади.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Истиклол йилларида барча соҳаларда бўлгани қаби талабалар ва уларнинг таълим тарбиясида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Замонавий SMART- таълимнинг кириб келиши эса катта имкониятлар эшигини очади. SMART- таълими жамият ва унинг ”умр бўйи таълим олиш” ёндашуви ”талабага қулай жойда таълим” тамойили бўйича ҳамма жойда ўқитиш зарурлигини, яъни янги концепциянинг муҳим тамойили контент истеъмолининг мобиллиги бўлиши лозимлигини кўрсатади [2].

Ҳозирги талабалар таълимнинг анъанавий моделини яхши қабул қилмайдилар. Шу муносабат билан мобилликка, амалиётга йўналтирилганликка, контентнинг ўзини тўлдирувчанлигига, контентни тақризлашга эга бўлган таълим моделини ишлаб чиқиш зарур. Бундай масалани SMART-таълим концепцияси ҳал қилишга қодир.

Педагогика фанини ўқитишда таълим жараёнига ахборот, электрон технологияларни қўллаб амалга ошириладиган ҳозирги электрон таълим тизими қуйидаги асосий тамойилларга эга бўлиши керак:

-таълимнинг очиклигини ва мослашувчанлигини таъминлаш тамойили талабаларга қулай бўлган исталган жойда фойдаланувчиларнинг ҳамма тоифалари учун таълим олиш имкониятини яратишни кўзда тутати;

-индивидуаллаштириш тамойили кириш ва жорий назорат ҳамда ҳар бир талаба билимларининг индивидуал даражасига мувофиқ материалларни тақдим қилиш орқали амалга оширилади;

-интерфаоллик тамойили НИТ воситаларини қўллаган ҳолда “талабалар - ўқитувчи” ва “талаба- талаба” мулоқотлари қонуниятларида акс этади.

Талабалар учун педагогика фанидан билимлар манбаи фақат дарсликлар ва ўқув аудиторияларида ёки электрон муҳитда ишлаётган ўқитувчилар эмас, балки интернет-сайтларнинг чексиз имкониятлари билан бирга “Википедия”, ижтимоий тармоқлар ва микроблоглардан иборат.

Педагогика фанидан мавжуд қоғоздаги ва электрон дарсликлар ҳозирги талабалар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди, бунинг сабаби уларнинг фақат мобиллиги ва индивидуаллиги йўқлигида эмас, контент (мазмун)нинг эълон қилиш вақтидаёқ эскирганидан иборат.

Юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими МЭСИ томонидан таклиф қилинган, ҳозирги талабалар эҳтиёжларига мос бўлган, янги таълим концепцияси – SMART-таълим концепцияси бўлиши мумкин [3].

Замонавий SMART-жамият ва унинг “умр бўйи таълим олиш” ёндашуви “талабага қулай жойда таълим” тамойили бўйича ҳамма жойда ўқитиш зарурлигини, яъни янги концепциянинг муҳим тамойили контент истеъмолининг мобиллиги бўлиши лозимлигини кўрсатади. Педагогика фанидан мавжуд дарсликлар бу вазифани бажара олмайди, чунки уларни сотиб олиш вақтидаёқ эскириб бўлган контентни тақдим қилади. SCORM стандарти бўйича тайёрланган электрон курсларни ҳам эскирган деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар талабани интернетга доимий уланган стационар компьютерга боғлаб қўяди, бу эса, ҳозирги ҳаётнинг жадал суръатлари ва юқори мобиллигида жуда ноқулай. Шу

муносабат билан ўқув контентини тарқатишда ижтимоий тармоқлар алоҳида ўринга эга бўлиб, бу эса, SMART дарслик билан ижтимоий медианинг интеграциялашувини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

SMART-дарслик концепциясини таълим муҳитидан ташқарида амалга ошириш имкони йўқ. SMART-дарслик SMART-ўқув жараёни учун асос бўлиши, қоғоз дарсликнинг афзалликларини, электрон курсларнинг (биринчи галда SCORM нинг) техник имкониятларини ўзига қамраб олиши ҳамда шу юқорида айтилганларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлиши лозим[5].

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилган билимларни бир қанча усуллар орқали текшириш мумкин. Талабаларнинг билимини баҳолашни самарали усулларидан бири тест воситасидан фойдаланиш. Талаба ишлаши мумкин бўлган тестни исталган жойда бажара олиш имконининг мавжудлиги бир қанча афзалликларни келтириб чиқаради. Тадқиқот ишимиз доирасида SMART таълимга асосланган, смартфонларга жойлаштириш ва бажариш имконини берувчи дастурий восита ишлаб чиқилди. Дастурий воситада математика фанига оид барча мавзулар бўйича интерактив тест топшириқлари жойлаштирилган.

Тадқиқотлар натижасида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган электрон таълим ресурси ишлаб чиқилиб, талабалар томонидан смартфонларда ишлатиш имконияти яратилган. Бу машғулот асосида SMART дарслик билан ижтимоий медианинг интеграциялашувини таъминлашга эришиш мумкин[6].

Ҳозирги кунда таълим жараёнида электрон таълим ресурсини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади[1].

Электрон таълим ресурси таълим жараёнида сифат-самарадорлигини оширади, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш жараёнини шакллантиради. Талабаларда мавзуни ўрганишга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустақамлаш, ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма, малакаларини шакллантиради[1].

Луғавий жиҳатдан “электрон таълим ресурси” бу-ўқув ишларини ташкиллаштириш учун зарур бўлган ва рақамли формада тақдим этиладиган фотографиялар, статистик ва динамик моделлар, вертуал борлиқ ва интерфаол моделлаштириш объектлари ва картографик материаллар, овоз, белгили объектлар ва ишчи графикаси, матнли хужжатлар ва бошқа ўқув материалларидир.

Электрон таълим ресурси – рақамли таълим ресурсини ўз ичига олади. Рақамли таълим ресурси– дидактик мақсадларга эришишга ёки алоҳида ўқув масаласини ҳал этишга қаратилган тугалланган интерфаол мултимедиали маҳсулот. Рақамли таълим ресурсининг муҳим сифат кўрсаткичи – унинг интерфаоллигидадир. Рақамли таълим ресурси таълим олувчининг ундан фойдаланиш пайтида фаол бўлишни тақозо этади.

Электрон таълим ресурслари деганда - электрон курулмалардан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган ўқув материаллари тушунилади, умумий ҳолда электрон таълим ресурсига ўқув видеофилмлари ва овоз ёзувлари киради, уларни кўриш ёки тинглаш учун оддий CD плеер ҳам етарли бўлади. Электрон таълим ресурсини таълимда қўллаш учун замонавий ва самарали қурилма компютердир. Айнан компютер орқали тақдим этиладиган ресурсларга диққатни қаратамиз.

Электрон ахборот-таълим ресурси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мустақил ишининг самарали усуларини қўллаш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган манбадир. У талабаларда мустақил иши, ижодий фикрлаш малака ва кўникмаларини шакллантиради.

Электрон таълим ресурс воситаларидан ўқитиш жараёнида фойдаланиш ўқитишнинг сифати ва самарасини орттириб, ўргатишнинг энг қулай усуларидан биридир. Электрон таълим ресурс – бу замонавий компютерли ахборот технологиялари бўлиб, матн, товуш, видеотасвир, график тасвир ва анимацияни (мультипликацияни) яхлит компютер тизимига бирлаштириш имконини яратади.

Ўқув топшириқларини электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларга тақдим этиш бир қатор қулайликлар туғдиради. Чунки электрон таълим ресурси воситалари талабаларнинг мустақил фаолият кўрсатишларини таъминлашга хизмат қилади. Ҳар бир талабани ўқитувчи ҳамда тенгдошлари билан мулоқотга киришиш, ҳамкорлик қилишга ундайди. Бундай вазиятларда электрон таълим ресурси алоҳида дидактик функцияни бажаради.

## **МУҲОКАМА**

Электрон таълим ресурсини мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштиришнинг воситаси сифатида қараш мумкин:

Яратиш технологияси бўйича. Текстографик ресурслар – текс ва иллюстрацияларни намойиш қилишда китобдан фарқли ўлароқ, материаллар қоғозда эмас экранда берилади ва навигацияда ҳам фарқланади. Мультимедиали электрон таълим ресурси – визуал ва овозли материаллардан ташкил топган. Китобдан фарқли ҳолда анимация коринишида жонли тарзда гавдаланади [7].

Мазмуни бўйича: электрон қайдномалар, топшириқлар, луғатлар, қизиқарли саволлар, даражали тестлар, дарсликлар, лабаратория ва семинар топшириқлари.

Тарқатиш ва фойдаланиш бўйича: интернет-ресурс, оффлайн-ресурс, электрон доска учун ресурслар.

Таркиби бўйича: маъруза ва семинар учун мўлжалланган мустақил иши ресурслари, вертуал лабараториялар, видеодарслар.

Қўллаш бўйича: дарс жараёнида ва мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштиришда.

Барча олий таълим тизимида мустақил иши сифатини ошириш замонавий педагогик, инновацион ва ахборот технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни тақозо этади. Олий таълим тизимида электрон таълим ресурсларнинг асосий вазифалари:

– мустақил иши жараёнини умумий, яхлит ишлаб чиқиш;

– мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш жараёнида ҳал тилиши лозим

бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш;

– мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш жараёни мазмунини ишлаб чиқиш;

– мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш жараёнида таълим олувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиш учун муайян шарт-шароитларни яратиш ҳамда махсус билимларни шакллантириш;

– таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш;

– кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш;

– фан-техника тараққиётидаги ахборотларни ёшларга етказишни тезлаштириш.

Олий таълим тизимида электрон таълим ресурслардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

– талабаларнинг билим олиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқув материални ўзлаштириш сифатини ва таълим самарадорлигини ошириш;

– тайёргарлик даражаси турлича бўлган талабаларга нисбатан дифференциал ёндашиш ҳамда дарсларни юқори эстетик даражада ташкил қилиш(муסיқа, анимация)

– талабаларнинг математик ахборот оқимларини танлаш қобилиятларини ривожлантириш, тасвирий ифодалаш усулидан амалий фаолият кўрсатиш турига ўтиш, бу тарзда талаба ўқув жараёнининг субъектига айланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида электрон ахборот-таълим ресурсини тайёрлашга қарор қилдик.

“Педагогик дастурий воситалар” фанидан амалий ва мустақил таълим» электрон ахборот-таълим ресурс замонавий анимация тайёрлашга мўлжаллаган Adobe Flash дастурларидан тайёрланди.

Бундан ташқари, ушбу ресурсни тайёрлашда Notpad++, Adobe Audition, Adobe Photoshop, Adobe Aftereffects, Adobe Primer, Google Sketchup, Lumion, 3DsMax, Adobe Animate, Action Scrip, Adobe Dimension ва бошқа замонавий дастурий тизимлардан фойдаланилди.

## ХУЛОСА

Ушбу “Педагогик дастурий воситалар” фанидан амалий ва мустақил таълим» электрон ахборот-таълим ресурси талабада математика фанига бўлган қизиқишнинг ўсишига ёрдам беради. Мазкур ахборот-таълим ресурси талабаларда тафаккурни ўстириш, олган билимларини ҳаётга тадбиқ эта олиш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Асосий вазифаси таълим олишда замонавий техникалар орқали билим олишдан иборат бўлиб, ундаги маърузалар, расмлар, тестлар, интерактив тестлар, аудиолар, ўқитишнинг замонавий методлари фойдаланувчиларга Педагогик дастурий воситалар фани бўйича билимларни осон ўзлаштиришга ва ёдда сақлаб қолишига ёрдам беради.

## REFERENCES

1. Н.Муслимов, Д.Сайфуров, М.Усмонбоева, А.Тўраев WEB технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш-Т.:2015 й.
2. Нишоналиев У. Н. Формировании личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы–Т.: ФАН, 1990, – 85 с.

3. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: учебное пособие для студентов высших учебных заведений / Е.С. Полат, М.Ю. Бухаркина. -4-е изд., стереотипное-Москва.: Академия. 2009. - 224 с.
4. Toshtemirov D.E., Niyozov M.B., Yuldashev U.A., Irsaliev F.Sh. Resource support of distance course information educational environment // Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020, pp. 399-400
5. Yuldashev, U.A., Xudoyberdiev, M.Z., & Axmedov, T.B. (2021). O'quv jarayonining sifatini oshirishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish. //Academic research in educational sciences, 2(3), 1262-1268.
6. Yuldashev U.A. Use of video lesson creative technologies in the process of electronic education// Scientific-Methodical Journal-T 2021
7. Yuldashev Ulmasbek Abdubanatovich, Khakimova Farangis Abdualimovna, Khudayberdieva Dilorom Khaydar kizi, Web of Scientist: International Scientific Research Journal, ISSN-2776-0979 Vol 2, Issue 5, 2021, pp. 693-697